

**«Т А С Д И Қ Л А Н Г А Н»  
«Hamkorbank» АТБ Акциядорлари  
умумий йиғилиши томонидан  
2015 йил «06» июнь**

**Банк Кенгашининг Раиси**

\_\_\_\_\_ **И.И.Ибрагимов**

**«Hamkorbank» чет эл капитали иштирокидаги акциядорлик тижорат Банкининг  
ТАФТИШ КОМИССИЯСИ тўғрисида  
НИЗОМ**

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.....	1
2. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ.....	2
3. ТАФТИШ КОМИССИЯСЕНИ САЙЛАШ.....	3
4. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ...	5
5. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ ИШЛАШ ТАРТИБИ.....	6
6. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.....	8
7. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ФАОЛИЯТИИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ВА ТАЪМИНЛАШ ....	8
8. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ ХУЖЖАТЛАРИНИ САҚЛАШ.....	9

**1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Мазкур «Hamkorbank» чет эл капитали иштирокидаги акциядорлик тижорат Банкининг Тафтиш комиссияси тўғрисида Низом (қуйида – Низом) Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Банklar ва банк фаолияти тўғрисида» Қонуни, Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» қонуни, ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳуқуқий ва қонунчилик ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг (қуйида – Марказий банк) меъёрий ҳужжатлари, ҳамда «Hamkorbank» чет эл капитали иштирокидаги акциядорлик тижорат Банкининг (қуйида – Банк) уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.
2. Мазкур Низом Банк Тафтиш комиссиясининг (қуйида - Тафтиш комиссияси) аъзолари таркибини ва сайланиш тартибини, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, жавобгарлигини ва ваколатларининг муддатидан илгари тўхтатилишини, ҳамда Тафтиш комиссиясининг ишини ташкил этиш тартибини ҳамда Банкнинг бошқа бошқарув органлари билан ўзаро муносабатларини белгилаб беради.
3. Тафтиш комиссияси Банкнинг акциядорларнинг умумий йиғилиши (қуйида - акциядорларнинг умумий йиғилиши) томонидан Банкнинг молиявий-хўжалик фаолиятининг устидан назорат қилиш учун сайланадиган органи бўлиб, Банк акциядорларнинг умумий йиғилишига, ҳамда кузатув кенгашига (қуйида - Кенгаш) қонун билан белгиланган тартибда ҳисобдор бўлади.

**2. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ**

4. Банк Тафтиш комиссиясининг ваколатларига қуйидаги масалалар киради:
  - Банкнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш) қилиш;
  - Банкнинг молиявий-хўжалик режалари/бюджетлари бажарилиши тўғрилигини текшириш;
  - Банк фойдаси тақсимланишининг тўғрилигини текшириш;

- Банк томонидан амалга ошириладиган операцияларнинг қонунийлигини текшириш (ёппасига ёки танлов асосида текшириш йўли билан);
  - бухгалтерлик, солиқ, бошқарув ва статистик ҳисоб юритилишининг тўғрилигини ва тўлиқлигини таҳлил қилиш;
  - Банкнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида мавжуд бўлган маълумотларнинг ҳақиқийлиги устидан назорат қилиш;
  - Банкнинг йиллик ҳисоботида ва бошқа молиявий ҳужжатларида мавжуд бўлган маълумотларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш;
  - Банкнинг ички назорат тизими соҳасига кирувчи Банк фаолиятининг бошқа барча йўналишларини назорат қилиш.
5. Банкнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра Банк Тафтиш комиссияси хулоса тузади, унда қуйидагилар бўлиши лозим:
- жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида мавжуд бўлган маълумотларнинг ҳаққонийлигини баҳолаш;
  - молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширишда бухгалтерлик ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартибининг, ҳамда қонунчиликнинг бузилиши ҳолатлари ҳақида маълумот.

Ушбу хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эълон қилинади.

6. Тафтиш комиссияси ҳар йил чорагида Банк Кенгашининг мажлисига Банкда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги тўғрисида, шунингдек қонунчиликнинг ва Банкнинг ички ҳужжатларининг бундай битимларнинг тузилишига қўйиладиган талабларига риоя этилиши тўғрисида ўз хулосасини тақдим этади.
7. Ўз ваколатларига мувофиқ, Тафтиш комиссияси Банк томонидан унинг фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, банк ичидаги ҳисоб ва назоратнинг йўлга қўйилишини, Банк томонидан ўтказилган кредит, ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа хил операцияларнинг амалга оширилиши қонунийлигини, Банкнинг ғазнаси ва мол-мулкнинг ҳолатини текширади.
8. Банкнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш Банкнинг йил учун фаолияти яқунлари бўйича, шунингдек бошқа исталган пайтда, Банк Тафтиш комиссиясининг, Банк акциядорларининг умумий йиғилишининг, Банк Кенгашининг ташаббусига биноан, ёки жами Банкнинг овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгаллик қилган Банк акциядорининг (акциядорларининг) талабига биноан, Банк Кенгашини аввалдан хабардор этиш йўли билан, амалга оширилади.
9. Банк Тафтиш комиссияси Банкнинг йиллик бухгалтерлик ҳисоботини текширишни (тафтишни), унинг Банк акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишидан аввал мажбурий тартибда ўтказиши.
10. Тафтиш комиссияси Банк акциядорларининг умумий йиғилишига ўтказилган текшириш тўғрисида ҳисоботни, ҳамда тасдиқлаш учун тақдим этилган йиллик бухгалтерлик баланси ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг Банкдаги ҳақиқий ишларнинг аҳволига мувофиқлиги юзасидан хулосани, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар билан бирга, тақдим этади.
11. Банкнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида фарқланишлар аниқланган ҳолда, Банк Тафтиш комиссияси Банкнинг бошқариш органларига аниқланган бузилишларни бартараф этишни ташкил этиш учун тегишли кўрсатмани тайёрлашни ва тақдим этишни таъминлайди. Ушбу кўрсатмаларнинг бажарилиши Банкнинг барча бошқариш органлари учун мажбурий ҳисобланади.
12. Банкнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текширишнинг (тафтишнинг) ҳужжатли расмийлаштирилган натижалари Банк Тафтиш комиссияси томонидан Банк акциядорларининг умумий йиғилишига, Банк Кенгашига кўриб чиқиш учун, ва Банк Бошқарувининг (қуйида - Бошқарув) раисига чоралар кўрилиши учун тақдим этилади.

13. Тафтишнинг натижалари бўйича, Банкнинг манфаатлари ёки унинг омонатчилари учун хавф туғилганда, ёки Банкнинг мансабдор шахсларининг суиистеъмоликлари аниқланганда, Тафтиш комиссияси акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилади.

### 3. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИ САЙЛАШ

14. Банк Тафтиш комиссияси Банк акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан 1 (бир) йил муддатга 5 (беш) аъзо миқдорида сайланади.

Тафтиш комиссиясининг аъзоси сифатида акциядор ҳам, акциядор (акциядорлар) томонидан таклиф этилган бошқа шахс ҳам сайланиши мумкин, Банкнинг ходимлари бундан истисно. Тафтиш комиссиясининг аъзоси айна пайтда Банк Кенгашининг аъзоси ва Банк Бошқарувининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

15. Жами Банкнинг овоз берувчи акцияларининг камида 1 (бир) фоизига эгаллик қилган акциядорлар (акциядор), Тафтиш комиссиясига сони унинг миқдорий таркибига ошиши мумкин бўлмаган номзодларни кўрсатишга ҳақли. Бундай таклифлар Банкка молиявий йил тугаганидан кейин кечи билан 30 (ўттиз) кун муддатда келиб тушиши лозим.

16. Банк Кенгаши келиб тушган таклифларни кўриб чиқиши, ва мазкур Низомнинг 15-банди билан белгиланган муддат тугаганидан кейин 10 кундан кеч бўлмаган муддатда Тафтиш комиссиясига сайлаш бўйича овоз бериш учун номзодларнинг рўйхатига номзодларни киритиш тўғрисида ёки уларни рад этиш тўғрисида қарорни қабул қилиши шарт.

17. Мазкур Низом билан Тафтиш комиссиясига номзодлар учун қуйидаги талаблар белгиланади:

- бухгалтерлик ҳисоби ва молиявий ҳисобот асосларини билиш;
- нуқсонсиз обрўси мавжудлиги (бунда шахснинг томонидан иқтисодий фаолият соҳасида ёки давлат ҳокимиятига қарши, давлат хизматининг ёки маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари хизматининг манфаатларига қарши жиноят, ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик, энг аввало тадбиркорлик фаолияти соҳасида, молия, солиқлар ва йиғимлар, қимматли қоғозлар бозори соҳасида ҳуқуқбузарлик содир этилиши, унинг обрўсига салбий таъсир этувчи омиллардан бири ҳисобланади);
- номзоднинг Банк билан рақобат қилувчи ташкилотда ёки корхонада (юридик шахсларда) лавозим эгаллаганлиги ҳолати мавжуд эмаслиги.

18. Тафтиш комиссиясига номзодларни кўрсатиш тўғрисидаги таклиф ёзма шаклида, уларни тақдим этган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми (номи), уларга тегишли акцияларнинг сонли ва тури кўрсатилган ҳолда киритилади, ва вносятся в письменной форме с указанием имени (наименования) представивших их количества типа принадлежащих им ва должны быть подписаны акциядорлар (акциядор) томонидан имзоланган бўлиши лозим. Агар таклиф юридик шахс бўлган акциядордан келиб тушса, уставга мувофиқ ишончномасиз ҳаракат қилувчи юридик шахс вакилининг имзоси ушбу юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланади.

19. Номзодларни кўрсатиш тўғрисидаги таклифда қуйидагилар кўрсатилади:

- ҳар бир таклиф этилаётган номзоднинг фамилияси, исми, ота исми ва унинг туғилган санаси;
- номзодни тақдим этган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми (номи);
- бундай акциядорларга тегишли бўлган акцияларнинг сони ва тури;
- маълумоти, шу жумладан малакасини ошириш (ўқув юртининг номи, тугатган йили, мутахассислиги);
- номзод охириги 3 (уч) йил давомида эгаллаган лавозимлар тўғрисида маълумот;
- номзод қилиб кўрсатиш пайтида эгаллаган лавозимлари;
- бошқа юридик шахсларда Кенгашларда, тафтиш комиссияларида, бошқа

- бошқариш органларида аъзолиги тўғрисида маълумот;
- Банк Тафтиш комиссиясида иштирок этишнинг чекланишлари мавжудлиги ҳақида маълумот: сўндирилмаган муқаддам судланганлиги, маъмурий жавобгарлиги, маълум лавозимларни эгаллаш ёки маълум фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш шаклидаги жазонинг қўлланиши, ва ҳоказо.

Таклифга ҳар бир номзоднинг ёзма розилигини илова қилиш лозим.

20. Агар мазкур Низомнинг 15-банди билан белгиланган муддат ичида акциядорлар томонидан Тафтиш комиссиясининг аъзолигига номзодларни кўрсатиш бўйича таклифлар киритилган бўлмаса, Банк Кенгаши Банкнинг Тафтиш комиссиясига сайлаш учун номзодларнинг рўйхатини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга бўлади.
21. Банк Кенгашининг номзодларнинг рўйхатига номзодларни киритишни рад этиш тўғрисидаги асослантирилган қарори номзодни кўрсатган акциядорларга (акциядорга), бундай қарор қабул қилинган санасидан бошлаб 3 иш кунидан кеч бўлмаган муддатда юборилади.
22. Агар Банк акциядорларининг умумий йиғилиши кун тартибда Банк Тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш тўғрисида масала билан бир вақтда, Банкнинг бошқариш органларини шакллантириш масалаларини кўриб чиқиш кўзда тутилган бўлса, Банк Тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш масаласи Банкнинг раҳбарлик органларини шакллантириш масалалари бўйича қарорларни қабул қилишдан кейин дарҳол кўриб чиқилиши лозим.
23. Овоз бериш ҳар бир номзод бўйича ёки Тафтиш комиссиясининг аъзолари рўйхати бўйича амалга оширилади. Биринчи мажлисида Тафтиш комиссиясининг сайланган аъзолари ичидан Тафтиш комиссияси аъзоларининг кўпчилик овозлари билан сайланади.
24. Тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этувчи овоз берувчи акцияларининг эгалари бўлган акциядорлар эгаллик қилган осозларнинг сонидан овозларнинг оддий кўпчилиги билан амалга оширилади. Энг кўп овоз тўплаган номзод сайланган деб ҳисобланади.
25. Банк Кенгаши акциядорлар томонидан таклиф этилган номзодлар йўқлиги ёки етарли бўлмаслиги ҳолатида, Тафтиш комиссиясига сайлаш бўйича овоз бериш учун номзодларнинг рўйхатига номзодларни киритиш ҳуқуқига эга бўлади.
26. Тафтиш комиссиясининг аъзолари унинг таркибига кўпи билан уч марта кетма-кет сайланиши мумкин.
27. Банк Тафтиш комиссиясининг ёки унинг алоҳида аъзоларининг ваколатлари Банк акциядорларининг умумий йиғилишининг қарорига биноан муддатидан илгари тўхтатилиши мумкин.
28. Агар Банк Тафтиш комиссиясининг аъзоси унга берилган ваколатларнинг амал қилиши муддати давомида ўз вазифаларини бажаришни тўхтатиш нияти тўғрисида билдирса, Тафтиш комиссиясининг раиси 3 (уч) иш куни ичида Банк Кенгашини бу ҳақда хабардор этиши лозим. Бу ҳолда Банк Кенгаши Банк Тафтиш комиссиясининг таркибига яги аъзони сақлаш тўғрисида қарорни қабул қилиш учун, Банк акциядорларининг умумий йиғилишини белгиланган тартибда чақариши лозим.

#### **4. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

29. Банк Тафтиш комиссияси ўз вазифаларини тегишлича бажариш мақсадида қуйидаги ҳуқуқларга эга:
  - Банкнинг бошқариш органларидан, унинг бўлимларидан ва мансабдор шахсларидан ҳужжатларни, шу жумладан Банкнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятига дахлдор бўлган бухгалтерлик ҳисоботининг ҳужжатларини олиш;

- Банк Тафтиш комиссияси томонидан Банкнинг молиявий-хўжалик фаолиятида аниқланган бузилишларни бартараф этиш масалалари Банкнинг тегишли бошқариш органларининг ваколатларида бўлган ҳолатларда, Банкнинг ваколатланган мансабдор шахсларидан, Банк Кенгашининг раисидан Банк Бошқарувининг ва Банк Кенгашининг мажлисларини чақиришни талаб қилиш;
- Банк Тафтиш комиссияси томонидан Банкнинг молиявий-хўжалик фаолиятида аниқланган бузилишларни бартараф этиш масалалари Банкнинг кўрсатилган бошқариш органининг ваколатларида бўлган ҳолатларда, ҳамда мазкур Низомнинг 13-бандида кўрсатилган ҳолатларда Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилиш;
- зарур бўлганда, Банкнинг ходимларидан, шу жумладан ваколатланган мансабдор шахсларидан, Банк Тафтиш комиссиясининг ваколатларига кирувчи масалалар бўйича тушунтиришларни талаб қилиш;
- Банкнинг Бошқарувидан, Банк департаментларининг директорлари ва бизнес-йўналишларининг раҳбарларидан аниқланган бузилишларни бартараф этишни талаб қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Банкнинг ички ҳужжатлари талабларининг бузрилишига йўл қўйган Банкнинг ходимларини жавобгарликка тортиш тўғрисида масалаларни Банк бошқариш органларига кўриб чиқиш учун киритиш;
- Банк акциядорларининг умумий йиғилишларида, Банк Кенгашининг, Банк Бошқарувининг мажлисларида иштирок этиш, ҳамда Тафтиш комиссиясининг ваколатларига кирувчи, ва Тафтиш комиссиясининг фикрича, алоҳида эътибор берилишини талаб қилувчи масалаларни ушбу бошқариш органларига кўриб чиқиши учун киритиш.

30. Тафтиш комиссияси ва Банк Тафтиш комиссиясининг аъзолари қуйидагиларга мажбур:

- Банкнинг молиявий-хўжалик фаолиятида эҳтимолий бузилишларни аниқлаш учун барча керакли чораларни кўриш, ва кўрсатилган бузилишларнинг бартараф этилишига қўмаклашиш;
- Банкнинг бошқариш органларига аниқланган Банкнинг мансабдор шахслари ёки ходимлари томонидан қонунчилик, Банк устави, низомлар, қоидалар ва йўриқномаларнинг бузилишларини етказиш;
- Банкнинг мансабдор шахслари томонидан ўз кўрсатмалари бажарилишини назорат қилиш;
- Тафтиш комиссиясининг аъзосига маълум бўлиб қолган Банк фаолияти тўғрисидаги махфий, инсайдерлик ва бошқа хил хизмат ахборотини, шу жумладан тижорат ва банк сири таркибига кирувчи маълумотларни ошкор қилмаслик, ҳамда Тафтиш комиссиясининг аъзоси вазифаларини бажариш даврида ҳам, Тафтиш комиссиясининг ваколатлари тўхтатилишидан кейин беш йил давомида ҳам ундан ўз манфаатларида ёки учинчи шасларнинг манфаатларида фойдаланмаслик;
- Банкнинг хоналарида ишлаганда, Тафтиш комиссиясининг аъзоси Банкнинг ички ҳужжатларида кўзда тутилган, ва Банкнинг хавфсизлик режими, махфий ахборот билан ишлаш режими билан боғлиқ бўлган қоидаларга ва таомилларга риоя қилиши шарт;
- мазкур Низомнинг 13-бандида кўрсатилган ҳолатларда Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилиш;
- Банк акциядорларининг умумий йиғилиши ўтказилишидан кечи билан 30 иш куни аввал, Банк Кенгашига Банк молиявий-хўжалик фаолиятининг ўтказилган текшируви (тафтиши) тўғрисида ҳисоботни, ҳамда Банк акциядорларининг

умумий йиғилишига тасдиқлаш учун тақдим этиладиган йиллик бухгалтерлик ҳисоботнинг ҳаққонийлиги тўғрисида хулосани тақдим этиш.

31. Тафтиш комиссиясининг аъзолари шахсий фойдаларини кўзлаш, ёки ўз лавозимидан бундай фойдаларга эга бўлиш учун фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас. Ушбу банднинг мақсадларида, шахсий фойда олишга шунингдек Тафтиш комиссиясининг аъзоси томонидан ўз қариндошлари, дўстлари ва улар билан боғлиқ бўлган бошқа шахслар учун оладиган фойдалар ҳам тенглаштирилади.
32. Тафтиш комиссиясининг аъзолари уларнинг ўз вазифаларини бажариши билан боғлиқ бўлган қарорларни қабул қилишдан манфаатдор бўлган шахслардан совғаларни қабул қилиши, шунингдек бошқа тақдим этиладиган фойдалардан фойдаланиши мумкин эмас.

## **5. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ ИШЛАШ ТАРТИБИ**

33. Тафтиш комиссиясининг иши навбатдаги ёки навбатдан ташқари текширишлар, ҳамда Тафтиш комиссиясининг текширишлари ва ишлашининг ташкил этилиши билан боғлиқ бўлган мажлислар шаклида ўтказилади.
34. Навбатдаги текширишлар банкнинг йил учун молиявий-ҳўжалик фаолиятининг яқунлари бўйича ўтказилади.
35. Навбатдан ташқари текширишлар:
  - акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига биноан;
  - жами Банкнинг овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эга бўлган акциядорларнинг талабига биноан;
  - Тафтиш комиссиясининг ташаббусига биноан ўтказилади.
36. Навбатдаги ва навбатдан ташқари текширишларнинг яқунлари бўйича Тафтиш комиссияси ҳисоботни ва хулосаларни тузади, улар Тафтиш комиссиясининг мажлисида тасдиқланиши лозим.
37. Банк Тафтиш комиссиясининг ишига Тафтиш комиссиясининг раиси раҳбарлик қилади, у Банк акциядорларининг умумий йиғилишларида ва Банкнинг бошқа бошқариш органлари олдида Тафтиш комиссиясини ифода этади, шунингдек Банк Тафтиш комиссиясининг номидан ҳужжатларни имзолайди.
38. Тафтиш комиссиясининг Раиси Банк Тафтиш комиссиясининг мажлисларини чақиради ва ўтказиши, Банк Тафтиш комиссиясининг жорий ишини ташкил этади, ушбу комиссиянинг аъзолари ичида мажбуриятларини тақсимлайди ва уларнинг ишига раҳбарлик қилади.
39. Тафтиш комиссияси фаолиятининг ташкилий масалалари бўйича Бошқарув раисининг кўрсатмаларини бажариш Банк Тафтиш комиссиясининг аъзолари учун мажбурий ҳисобланади.
40. Ўзи бўлмаган пайтида Тафтиш комиссиясининг раиси ўз вазифаларини бажаришни Банк Тафтиш комиссиясининг аъзоларидан бирига юклатишга ҳақлидир.
41. Тафтиш комиссиясининг мажлислари зарур бўлганда ўтказилади. Банк Тафтиш комиссиясининг аъзолари Банк Тафтиш комиссиясининг мажлисларида ва Тафтиш комиссияси томонидан ўтказиладиган текширишларда (тафтишларда) шахсан иштирок этиши шарт.
42. Банк Тафтиш комиссиясининг мажлисларининг ўтказилиши учун кворум Банк Тафтиш комиссиясининг аъзолари сонидан камида уч кишини ташкил этади. Кворум бўлмаганда, Банк Тафтиш комиссиясининг мажлисини ўтказиш кечроқ муддатга, лекин кўпи билан 10 (ўн) иш кунига қолдирилади.
43. Банк Тафтиш комиссияси мажлисининг кун тартиби масалалари бўйича қарорлар мажлисда иштирок этувчи Банк Тафтиш комиссияси аъзоларининг овозлари кўпчилиги билан қабул қилинади.

44. Банк Тафтиш комиссиясининг ҳар бир аъзоси Банк Тафтиш комиссияси мажлисининг кун тартибининг барча масалаларини ҳал этишда бир овозга эга бўлади. Банк Тафтиш комиссияси аъзосининг овозини бошқа шахсга, шу жумладан Банк Тафтиш комиссиясининг бошқа аъзосига топширишга йўл қўйилмайди.
45. Банк Тафтиш комиссияси мажлисининг кун тартибининг масалалари бўйича овоз беришда овозларнинг тенглиги ҳолатида, раислик этувчининг овози ҳал қилувчи овоз деб ҳисобланади.
46. Банк Тафтиш комиссиясининг фаолиятига дахлдор бўлган масалалар бўйича Банк Тафтиш комиссиясининг қарорларига (ҳужжатларига) норозилигини билдирган Банк Тафтиш комиссиясининг аъзоси, унинг алоҳида фикрини ўз ичига олган алоҳида хулосани (баёнотни) тайёрлашга ҳақлидир, у Банк Тафтиш комиссиясининг ҳужжатларига илова қилинади ва уларнинг ажралмас қисми ҳисобланади.
47. Тафтиш комиссиясининг барча мажлислари ташриф буюриш шаклида ўтказилади ва баённома билан расмийлаштирилади.
48. Банномада қуйидагилар кўрсатилади:
- Тафтиш комиссияси мажлисининг ўтказилиши жойи ва вақти;
  - мажлисда муҳокама қилинган масалалар;
  - мажлисда иштирок этган Тафтиш комиссияси аъзоларининг таркиби;
  - овоз беришга қўйилган масалалар, ва улар бўйича овоз беришнинг яқунлари;
  - Тафтиш комиссияси томонидан қабул қилинган қарорлар.
49. Тафтиш комиссияси мажлисининг баённомаси унинг ўтказилишидан кўпи билан 3 (уч) кун ичида тузилади, ва баённоманинг тузилиши тўғрилиги учун жавобгар бўлган мажлисда раислик этувчи томонидан, ва мажлиснинг котиби томонидан имзоланади.
50. Тафтиш комиссияси мажлисининг баённомаси Банк Бошқарувининг жойлашган манзилида сақланади.
51. Текшириш бошланишидан аввал Тафтиш комиссиясининг раиси ёзма шаклида Банк Кенгашини ва Банк Бошқарувининг раисини текширилиши лозим бўлган масалалар, текширишнинг ташаббускори, текширишнинг тахминий муддатлари, текширишга Тафтиш комиссиясининг таркибига кирмайдиган мутахассисларни жалб қилиш зарурлиги тўғрисида, ва текшириш ўтказилишининг бошқа жиддий шартлари тўғрисида хабардор этади.
52. Тафтиш комиссиясининг фойлиятини таъминлаш учун, Банк Бошқарувининг раиси томонидан Тафтиш комиссияси билан ўзаро муносабатлар учун жавобгар бўлган Банк ходимларининг гуруҳи тайинланиши мумкин.
53. Навбатдаги ёки навбатдан ташқари текширишларнинг яқунларига кўра, текшириш яқунланган пайтидан бошлаб кўпи билан 10 (ўн) кун ичида Тафтиш комиссияси ҳисоботни ва хулосаларни тузади, улар Тафтиш комиссиясининг мажлисида тасдиқланиши лозим.
54. Хулоса уч нусхада тузилади, улар:
- Банк Кенгашига;
  - Банк Бошқарувининг раисига тақдим этилади.
- Хулосанинг бир нусхаси Тафтиш комиссиясининг ишжилдларида, Банк акциядорларининг умумий йиғилишида акциядорларга ҳисобот бериш учун сақланади.
55. Агар текшириш ўтказилишининг ташаббускори акциядор ёки акциядорларнинг гуруҳи бўлса, у ҳолда хулоса тўрт нусхада тузилади, улардан бири бундай акциядор (акциядорлар) манзилига юборилади.

## **6. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

56. Банк Тафтиш комиссиясининг аъзолари уларга юклатилган мажбуриятларини виждонан бажармаслиги учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Банк устави ва мазкур Низом билан белгиланган тартибда жавобгар бўлади.
57. Банк Тафтиш комиссиясининг аъзолари уларнинг томонидан амалга оширилган Банкнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текширишнинг (тафтишнинг) объектив бўлмаслиги ва қиждонан бўлмаслиги учун солидар тартибда жавобгар бўлади.
58. Банк Тафтиш комиссиясининг аъзоси, Банкнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш) натижалари бўйича алоҳида хулосани (алоҳида фикрини) тузиш пайтида, уна юклатилган мажбуриятларини виждонан бажармаслиги учун жавобгар бўлади.
59. Банк акциядорларининг умумий йиғилиши Банк Тафтиш комиссиясининг аъзоси томонидан мазкур Низомда кўзда тутилган виждонан бўлмаган ҳаракатлар содир этилиши, ёки Банкка зарар етказилиши ҳолатида, унинг ваколатлари муддати тугашидан аввал аъзонинг ваколатларини муддатидан илгари тугатишга ҳақлидир.
60. Банк Тафтиш комиссияси аъзосининг виждонан бўлмаган ҳаракатларига қуйидагилар киради:
- Банк учун муҳим бўлган ҳужжатлар ва материаллар, шу жумладан бухгалтерлик ҳужжатларини нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни қалбакилаштириш;
  - Банкнинг мансабдор шахслари ва ходимларининг аниқланган суиистеъмолликларини яшириш, ёки бундай суиистеъмолликларга кўмаклашиш;
  - Банк фаолиятига тегишли бўлган масалалар бўйича ахборотни тақдим этишда Банкнинг мансабдор шахсларини, ходимларини ёки акциядорларини онгли равишда адаштириш (алдаш);
  - Банк ва унинг мижозлари фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни ошкор этиш;
  - банк сирини ташкил этувчи ахборотни ошкор этиш;
  - Банкнинг ходимларига улар ўз хизмат вазифаларини бажариши пайтида тўсқинлик қилиш, Банкнинг мансабдор шахслари ва ходимларини ноқонуний ҳаракатларга ёки била туриб, Банкка зарар етказилишига олиб келадиган ҳаракатларга (ҳаракатсизликка) оғдириш мақсадида, уларга тазъийқ ўтказиш;
  - Банк мол-мулкининг бирор-бир қисмини нобуд қилиш, унга шикаст етказиш, уни ўз манфаатида бегоналаштириш;
  - Банк манфаатларига зарар етказадиган бошқа ҳаракатлар.
61. Банк Тафтиш комиссиясининг аъзоси суднинг қарори бўйича қасддан жиноятни содир этишда айбдор деб тан олинган ҳолатида, Банк Тафтиш комиссиясининг аъзоси ушбу суд қарори қонуний кучга кирганидан кейин белгиланган тартибда ўз вазифаларидан озод этилиши лозим.

## **7. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ВА ТАЪМИНЛАШ**

62. Банк акциядорларининг умумий йиғилишининг қарорига биноан Банк Тафтиш комиссиясининг аъзоларига уларнинг ўз вазифаларини бажариши даври мобайнида, уларнинг ўз вазифаларини бажариши билан боғлиқ бўлган ҳақ тўланиши ва (ёки) харажатлари қоплаб берилиши мумкин. Тафтиш комиссиясининг аъзоларига тўланадиган ҳақлар ва қоплашларнинг миқдори, ҳамда тушбу ҳақларнинг тўланиши тартиби ва муддатлари Банк акциядорларининг умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади.
63. Тафтиш комиссиясига унинг фаолиятини таъминлаш мақсадида керакли хоналар, ташкилий техника, канцелярия моллари ажратиб берилади.



## **6. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ ХУЖЖАТЛАРИНИ САҚЛАШ**

64. Банкнинг бошқариш органларига кўриб чиқиш учун тақдим этиладиган Банк Тафтиш комиссиясининг ҳисоботлари ва хулосалари, ушбу бошқариш органлари мажлисларининг (йиғилишлирининг) баённомалари бўлган ишжилдларда белгиланган тартибда сақланади.
65. Тафтиш комиссиясининг фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар, Тафтиш комиссиясининг раисида ваколатлари бажарилиши муддати мобайнида сақланади. Ваколатлари бажарилишининг муддати тугаганидан кейин ҳужжатлар мобайнида Банк архивига кейинги сақланиши учун топширилади.
66. Ушбу ҳисоботлар, хулосалар ва Тафтиш комиссиясининг фаолияти бўйича бошқа маълумот Банк акциядорларига, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Банкнинг устави ва мазкур Низомда кўзда тутилган асосларда ва тартибда ушбу ҳужжатлардан (ахборотдан) фойдаланиш имконига эга бўлган бошқа шахсларга танишиш учун тақдим этилиши мумкин.